

ТОШЕВ Солежон

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқишунослик
институтини таянч докторанти
toshevsoljeon@gmail.com

ТУРКИЯДА МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ НЕЗАВИСИМОГО УЗБЕКИСТАНА В ТУРЦИИ

STUDY OF THE HISTORY OF INDEPENDENT UZBEKISTAN IN TURKEY

Аннотация: Мустақиллик йилларида тарихга жаҳон миқёсида, глобал ёндашув, фикрлар хилма хиллигига имкон бериш, ҳолисликка амал қилиш шароитида хорижий тарихшуносликка қизиқиш кескин ортди. Ўзбекистоннинг энг янги тарихини хорижий тарихшунослик асосида ўрганиш тарихий жараёнларга ҳолисона баҳо бериш имконини беради. Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг мустақил йиллардаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, маданият ва маърифат соҳасидаги ютуқлар, ички ва ташқи сиёсий жараёнлар Туркиядаги тадқиқотлар, тадқиқот марказлари маълумотлари, даврий матбуот материаллари асосида қиёсий таҳлил этилган ва мавзуга керакли илмий хулосалар тақдим этилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, хорижий тарихшунослик, Туркия, Марказий Осиё республикалари, ТИКА, Турк маданияти ва санъати қўшма идораси (ТЎРКСОЙ), Турк Дунёси Тадқиқотлар Бўлими, Отатурк номидаги маданият маркази

Аннотация: В годы независимости резко выросло интерес зарубежной историографии в условиях соблюдения объективности, разрешение к множеству мнений глобальное отношение на мировом уровне. Изучение новейшей истории Узбекистана на основе зарубежной историографии предоставляет возможность объективно оценить исторические процессы. В этой статье социально-политические процессы, достижения в сфере культуры и образования внутренние внешние политические процессы Узбекистана в годы независимости. Сравнительно проанализированы

и предоставлены нужные по теме научные выводы на основе информации исследовательских центров, материалов периодической печати в Турции

Ключевые слова: Новейшая история Узбекистана, Зарубежная историография, Турция, республики Центральной Азии, ТИКА, Объединенный офис турецкой культуры и искусства (ТЮРКСОЙ), «Отдел исследования тюркского мира», Культурный центр Ататюрка

Abstract: During the years of independence, the interest in foreign historiography has sharply increased in the context of a global approach to history, the possibility of diversity of opinion, the observance of objectivity. The study of the recent history of Uzbekistan on the basis of foreign historiography allows an objective assessment of historical processes. This article provides a comparative analysis of the socio-political processes of Uzbekistan in the years of independence, achievements in the field of culture and enlightenment, domestic and foreign policy processes in Turkey, research centers, periodicals and provides the necessary scientific conclusions.

Index Terms: Recent History of Uzbekistan, Foreign Historiography, Turkey, Central Asian Republics, TICA, Joint Office of Turkish Culture and Arts (TURKSOY), "Turkic World Research Department", Ataturk Cultural Center.

КИРИШ

Ўзбекистонда мустақиллик шароитидаги катта ўзгаришлар тарих фанини ҳам четлаб ўтмади. Тарихга жаҳон миқёсида, глобал ёндашув, фикрлар хилма хиллигига имкон бериш, ҳолисликка амал қилиш шароитида хорижий тарихшуносликка қизиқиш кескин ортди. Жаҳоннинг турли тилларида, масалан, инглиз, француз, немис, турк тилларида яратилган ўнлаб тадқиқотларда Ўзбекистон тарихига оид муҳим маълумотлар ва қизиқарли қарашлар, хилма-хил хулосалар борлиги маълум бўлди. Улар турли тилларда эканлиги, Ўзбекистон тарихининг турли даврларидаги масалаларга оидлиги тадқиқотларни муаммовий асосда ва айрим тиллар доирасида ўрганиш заруриятини вужудга келтиради. Бу айниқса Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид тадқиқотларда янада кўпроқ аҳамият касб этади. Хусусан, Туркияда сўнги ўттиз йил давомида Ўзбекистоннинг мустақиллик йўли, тараққиёт хусусиятлари ва муаммоларига оид миллий тарихшунослигимиздаги асарлардан

фарқланувчи бир қатор илмий асарлар ва таҳлилий материаллар тайёрланди.

Мустақиллик даврига келибгина хорижий тарихшунослик илк бор илмий мақсадларда мафкуравий чеклашлардан холи тарзда ўрганила бошланди. Шундан келиб чиқиб хорижда, хусусан Туркияда Ватанимиз тарихига оид илмий тадқиқот ишлари ва илмий адабиётларни тизимли ўрганиш, улардаги илмий қараш ва мулоҳазаларни таҳлил этиш тарихий жараёнларга холис хулосаларни берибгина қолмасдан, Ўзбекистон халқларининг мустабид тузум давридаги мураккаб ижтимоий сиёсий ҳаёти, маданий, маърифий тараққиёт хусусиятлари, мустақиллик учун бўлган курашлар тарихига Туркиядаги илмий муносабат ҳақида тасаввур ҳосил қилиши билан аҳамиятлидир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ғарбда Германия, Франция, Англия, Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатларида, Шарқ давлатларидан Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Туркия каби давлатларда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи билан махсус шуғулланувчи илмий марказлар вужудга келди. Бу марказларда Ўзбекистон энг янги тарихини миллий тарихшунослигимизда ўрганилмаган ёки кам ўрганилган масалалари тадқиқ қилинмоқда, бу даврга янги нуқтаи назар ва талқин билан ёндашилмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини ўрганишда Туркияда Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллардаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихига оид амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари: магистрлик ва докторлик диссертациялари, илмий асарлар, илмий мақолалар ва ушбу тадқиқотларга ҳомийлик қилган ташкилотлар, тадқиқот марказлари, илмий текшириш институтларининг фаолият натижалари муҳим аҳамият касб этади [1:348].

Марказий Осиё азалдан Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғловчи йўллар кесишган жойда жойлашган бўлиб, стратегик жиҳатдан муҳим минтақа ҳисобланган. Шунинг учун ҳам дунёнинг қудратли ва буюк давлатлари, шу жумладан, Европа давлатлари ҳам бу минтақа тарихи ва маданияти билан доимо

қизиқиб келган ва ҳамон унга қизиқиш уйғотиб келмоқда.

Ўрта Осиё тарихи ва маданиятини ўрганишга ихтисослашган йирик илмий марказлар Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Австрия ва Нидерландияда жойлашган. Бу мамлакатларда Ўрта Осиё халқларининг тиллари ҳам ўрганиладиган махсус марказлар мавжуд. Жумладан, Германияда Central Asiatic Journal (Марказий Осиё тадқиқотлари журнали) номли журнал нашр этилади. Европа олимларининг қизиқишлари давр жиҳатидан минтақанинг қадим замонлардан то энг янги асрларгача бўлган бутун тарихини ўз ичига олади, мавзу эса тарих, археология, этнография, география, дин, адабиёт, сиёсат каби соҳаларни камраб олади.

Турклар Туркистонни, яъни Ўрта Осиёни дастлабки ватани деб ҳисоблайдилар ва уни “отаюрт” деб атайдилар. Шунинг учун ҳам Турк олимлари Усмонийлар империяси давридан бошлаб бу минтақа тарихига катта қизиқиш билдирганлар. Туркияда энг кўп ўрганилган давр Салжукийлар давридир, чунки улар яқин Шарқда Турк давлатчилигини ўрнатган Усмонли туркларнинг аجدодлари бўлган. Аксарият тадқиқотларда асосий эътибор Турк хоқонлиги даврига ҳам қаратилган, чунки бу давр барча туркий тилли халқларнинг умумий тарихидир. Сўнгги йилларда Туркияда Ўғузлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар тарихига оид махсус тадқиқотлар ҳам чоп этилди [2:6].

Совет Иттифоқи парчалиниб мустақил Республикалар ташкил топгандан сўнг, Туркиянинг Марказий Осиё республикалари билан қизғин халқаро алоқаларини тасодиф сифатида изоҳлаб бўлмайди. Туркия Марказий Осиё республикалари билан тарих, маданият, тил, дин ва этник келиб чиқиши жиҳатидан тарихий муштараликка эга. Бу яқинлик шубҳасиз, Туркия ва Марказий Осиё республикалари ўртасидаги муносабатларнинг муҳим асосини ташкил этади. Хорижий манбалар ҳам Туркия ва Марказий Осиё Республикалари ўртасидаги яқин муносабатларнинг аҳамиятига ишора қилиб, бу муносабатларнинг бошланғич нуқтаси эканлигини таъкидламоқда. [3:188]

Марказий Осиё Республикалари мустақилликка эришгандан сўнг, Туркия

билан яқин алоқалар ўрнатилгач, турк тадқиқотчиларининг минтақа халқлари тарихи ва маданиятига бўлган қизиқиши янада ортди.

Советлар бошқаруви даврида Туркияда Марказий Осиё Республикалари билан боғлиқ тадқиқотлар етарли бўлмагани учун илмий бўшлиқ юзага келган эди. Бироқ, Республикалар мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб Туркияда минтақа билан боғлиқ барча соҳалардаги (иқтисодий, маданий) алоқаларни кенгайтириш мақсадида ҳам расмий, ҳам нодавлат ташкилотлар ва илмий марказлар ташкил топди. Ушбу муассасалар давлатга боғлиқ расмий ташкилотлар, университетлар қошидаги илмий тадқиқот марказлари, хайрия жамғармалари, фондлар ва жамоат ташкилотлари сифатида фаолият олиб боради.

Туркияда 1991 йилдан олдинги йилларда Туркий халқлар маданияти ва тарихини Туркчилик ва Турончилик ғоялари асосида тадқиқ этиш билан шуғулланган Турк ўчоқлари (Türk Ocakları), Турк дунёси тадқиқотлари фонди (Türk Dünyası Araştırmaları Vakfı), Турк миллий маданият жамғармаси вақфи (Türkiye Milli Kültür Vakfı), Турк миллий маданияти тадқиқоти институти (Türk Kültürünü Araştırma Enstitüsü) каби расмий ва нодавлат муассасалар мавжуд эди. Булардан ташқари, диний мақсадларда яъни, туркий халқлар ёшларига ислом динини ўргатишни мақсад қилган нодавлат ташкилотлар ҳам бор еди. Улар орасида Туркия Диёнат жамғармаси (Türkiye Diyanet Vakfı), Ислом фанлари тадқиқот жамғармаси (İslami Pimler Araştırma Vakfı), Ҳазрат Аксемседдин жамғармаси (Hz. Aksemseddin Vakfı), Илм-фанни тарқатиш фонди (Blim Yauma Vakfı), Ҳақ йўл фонди (Nakyol Vakfı) кабиларни алоҳида санаш мумкин. [4:104]

1991 йилдан сўнг Ўрта Осиё ва Кавказда янги мустақил республикаларнинг пайдо бўлиши Туркияда минтақага қизиқишнинг ортиши билан бир қаторда, юқорида айтиб ўтганимиздек, сиёсий, иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларнинг фаоллашувига йўл очиб берди. Юқорида қайд этилган муносабатларни соғлом сақлаш учун минтақа давлатларининг тарихи, бугунги иқтисодий ва ижтимоий аҳволи, ер ости бойликлари, салоҳияти ва стратегияси ҳақида маълумотлар ва аниқ институтларга

эхтиёж бор еди. Бунинг натижасида Туркияда тадқиқот марказлари, институтлар ва минтақага алоқадор нодавлат ташкилотлар каби кўплаб муассасалар ташкил этилди.

Давлат томонидан ташкил этилган институтлар минтақадаги янги мустақил мамлакатларнинг ривожланишига ёрдам бериш учун ташкил этилди ва минтақа ҳақида функционал маълумотларнива илмий ахборотлар тайёрлаш учун университетларда ўқув бўлинмалар шакллана бошлади. Университетлар қошидаги маълум ҳудуд ва мамлакатларни ўрганишга ихтисослашган бўлимлар ва марказлар ташкил этилиши кўпроқ илмий ва ҳолисона тадқиқотлар олиб бориш имконини берди.

Жамиятлараро муносабатларнинг фаоллашиши кўплаб халқаро конгресслар, симпозиумлар ва минтақавий тадқиқотларни ўтказишни тезлаштирди. Шу нуқтаи назардан, минтақавий ихтисослашган нашрларнинг сони ва фаолият кўлами жадаллик билан кенгайди.

Евросиё ҳужжатлари (Avrasya Dosyası), Евросиё тадқиқотлари (Avrasya Etüdləri), Отаюртдан Отаюртгача Турк дунёси (Anayurttan Atayurda Türk Dünyası), Билиг (Bilig), Турк шевалари ва адабиёти журнали (Türk Lehçeleri ve Edebiyatı Dergisi), Биродарлар адабиёти (Kardaş Edebiyatlar) кабилар шулар жумласидандир. Яна бу даврда кўплаб энциклопедиялар, антологиялар, луғатлар, расмий ҳисоботлар ва қўшма тадқикотлар нашр этилиши эътиборга молик ишлардандир. Шу нуқтаи назардан, Отаюрк тадқиқот маркази (Atatürk Araştırma Merkezi), Туркия ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги (ТИКА) каби давлат муассасалари ва ташкилотларининг нашрларини алоҳида санаб ўтиш керак. [5:35]

Туркияда Ўрта Осиё давлатларининг тарихи ва ижтимоий, сиёсий жараёнларни ўрганган ва шу йўналишда фаолият олиб борган ташкилотларни қўйдагича таснифлашимиз мумкин.

Давлат ташкилотлари

Университетлар қошидаги илмий муассасалар

Стратегик тадқиқот марказлари

Илмий журнал ва вақф ташкилотлари

Туркияда Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар билан иқтисодий, маданий ва бошқа

муносабатларни қуриш ва бу алоқаларни яхшилаш учун ташкил этилган енг аҳамиятли ташкилотлар ТІКА, TÜRKSOY, ЕСО Турк-Па каби расмий муассасалар ҳисобланади. Туркияда 1991 йилгача бўлган даврда “Туркий ўчоқлар” (Türk Ocakları), “Турк дунёси тадқиқотлар вақфи” (Türk Dünyası Araştırmaları Vakfı), “Туркия миллий маданият вақфи” (Türkiye Milli Kültür Vakfı), “Турк маданияти тадқиқот маркази” (Türk Kültürünü Araştırma Enstitüsü) каби қўлаб давлат ва нодавлат ташкилотлари туркий халқлар маданияти ва тарихини ўрганган ва илмий тадқиқот фаолиятини олиб борган. Бундан ташқари Советларнинг атеистик мафкураси таъсирида қолган ёшларга исломни ўргатишни мақсад қилган бирқанча ижтимоий ҳаракат ва бирлашмалар ҳам фаолият олиб борган. Булар орасида Туркия диёнат вақфи (Türkiye Diyanet Vakfı), Исломий билимлар тадқиқот маркази (Islami Ilimler Araştırma Vakfı), Ҳазрат Акшамиддин вақфи (Hz Akşemseddin Vakfı), Ҳақ йўли вақфи (Hakyol Vakfı)ларни мисол келтиришимиз мумкин. [5:190]

Туркияда Ўрта осие давлатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маъданий алоқалар ўрнатиш ва бу алоқаларни кенгайтириш мақсадида ташкил этилган кўзга кўринарли расмий ташкилотлар ТІКА, TÜRKSOY, ЕСО, Türk-Па ҳисобланади. Ўрта Осиё Республикалари ўз сиёсий мустақилликларига эришганларидан сўнг бу давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва ҳудуддаги давлатлар ва халқларнинг ижтимоий сиёсий ҳаёти, маданияти, тарихи, ривожланиш хусусиятларини ўрганган энг илғор ташкилотлардан бири шубҳасиз ТІКА (Türk İşbirliği ve Kalkınma Ajansı) ташкилоти ҳисобланади. 1992 йил январ ойида ташкил этилган ҳозирда 20 давлатда расмий идораси эга бўлган мазкур агентлик туркий халқлар, жумладан Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданиятини тадқиқ ва тарғиб этиш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда.

Турк маданияти ва санъати қўшма идораси (TÜRKSOY) ташкилоти турк маданияти ва санъатининг ривожланиши, Туркия ва турк дунёси тарихи, санъати ва маданиятини ўргатиш, тарқатиш, тарғиб қилиш бошқа туркий Республикалар ўртасида маданий алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида 1993 йил июл ойида Олмаотада Озарбайжон,

Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркия ва Туркменистон маданият вазирлари томонидан ташкиллаштирилган Туркий тилда сўзлашадиган давлатлар вазирларининг III йиғилишида имзоланган шартнома билан ташкил этилган. Таъсис этилгандан сўнг, яна бир қанча туркий автоном ўлкалар ушбу ташкилотга автоном аъзо сифатида қўшилишди. Ташкилот ҳозиргача турк маданиятининг муштарак қадриятлари ва тарихий шахсларини тарғиб қиладиган 32 га яқин китоблар ва нуфузли нашрлар, интеллектуал ва бадий асарларни тақдим этган бўлиб бу асарлардан Ўзбекистон тарихига оид қимматли маълумотларни олишимиз мумкин.

Туркия Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги, халқ маданиятларини тадқиқ қилиш ва ривожлантириш бошқармаси ҳузуридаги Турк дунёси тадқиқотлар бўлими Туркиядан ташқарида яшайдиган туркий халқлар тарихи ва маданиятига оид тадқиқотлар ва тегишли нашрларни амалга ошириш, соҳага оид лойиҳаларни қўлаб қувватлаш фаолияти билан шуғулланадиган яна бир расмий ташкилот ҳисобланади. Бу ташкилот *Anayurttan Atayurda Türk Dünyası* (Ота юртдан она юртгача Турк дунёси) номи илмий журнални нашр этиб келмоқда.

Отатурк номидаги маданият маркази ҳам Турк дунёси ва туркий халқлар тарихи ва маданиятига оид қатор симпозиумлар ташкил этиб бир қанча илмий лойиҳаларга ҳомийлик қилади. “Билги” журналининг нашр этади. Булардан ташқари илмий муассасада Турк дунёси адабиёти лойиҳаси доирасида салмоқли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. [6:35]

Туркиялик тарихчи олим Фаҳри Солакнинг “Туркистон ва Кавказ библиографияси” номи асари Ўзбекистон тарихига бағишланган турк тилидаги илмий тадқиқот ишлари ва илмий адабиётлар билан танишиш учун муҳим манбавий асос бўлиб хизмат қилади.

1928 йилдан бошлаб Туркияда Ўрта Осиё ҳақида тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотларни Фаҳри Солакнинг «Туркистон ва Кавказ» библиографик асаридан кўришимиз мумкин. [7:755]

Туркияда Ўрта Осиёга оид 1928 йилдан 1960 йилгача факатгина 43 та диссертация, 213 та китоб, 325 та мақолалар нашр қилинган

бўлса, 1960-1969 йиллар минтақа билан боғлиқ нашрлар кўпайганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Лекин ҳақиқий илмий сакраш, Фаҳри Солак таъкидлаганидек, 1991 йилда минтақа давлатлари мустақилликка эришган йилларидан бошланади. Айниқса, Олий ўқув юртлари битирувчилари ва магистрлар ўз тадқиқотларда Ўрта Осиё халқлари ва давлатлари тарихига оид масалаларга урғу беришни бошлади ва бу академик тадқиқотларнинг сезиларли ўсишига олиб келди. 1990 йилларда мазкур йўналишда 180 докторлик диссертацияси ва 600 дан ортиқ магистрлик диссертацияси тайёрланди. Бу даврда, энг катта ўсиш мақолалар сони тўғри келиб 1990-1999 йилларда 4000 га яқин илмий мақола чоп этилди. Олдинги давр мобайнида мавзуга оид нашрлар асосан Турончи ва Туркчи миллий ташкилот ва ҳаракатлар томонидан амалга оширилган бўлса, 1992 йилдан минтақа билан боғлиқ тадқиқотлар сони ва уларга бўлган илмий қизиқиш ҳамда ижтимоий талаб ортганини кўришимиз мумкин.

1-жадвал

**Туркияда 1928-2007 йиллар оралиғида
Ўрта Осиёга оид амалга оширилган илмий
тадқиқотлар**

	1928- 1939	1940- 1949	1950- 1959	1960- 1969	1970- 1979	1980- 1989	1990- 1999	2000- 2007	Жами
Диссертациялар	19	16	8	170	251	129	783	164	1540
Китоблар	60	79	74	124	247	343	1185	595	2707
Мақолалар	44	81	200	488	465	1090	3931	1958	8257
Жами	123	176	282	782	963	1562	5899	2717	12504

2-жадвал

**Туркияда 1928-2007 йиллар оралиғида
Ўрта Осиё тарихига бағишланган
диссертациялар**

Номзодлик диссертациялари	8
Докторлик диссертациялари	262
Магистрлик диссертациялари	786
БМИ (Битирув малакавий иши)	484
Жами	1540

ХУЛОСА

Ўрганилган масала бўйича турк тилидаги илмий тадқиқотларда баён этилган илмий қарашларда мустақиллик йилларида

Ўзбекистондаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнлар длат томонидан амалга оширилган оқилона сиёсат ва халқнинг миллий манфаатлар учун бирлашуви самараси эканлигига урғу берилган. Бундан ташқари мураккаб сиёсий босим остида яшаган халқлар ўз миллий маънавиятини, дини, она-тили, миллий ўзлиги, тарихий хотира ва қадриятларини асраш йўлидаги юқотишлари, охир оқибат курашлар самараси ўлароқ мустақилликка эришиш жараёнлари тарихи хорижий тарихшуносликда, хусусан турк тарихчилари асарларида қандай акс этганини аниқлаш ҳам тарихий ҳақиқатларни тиклаш, ҳам ватанимиз тарихшунослигидаги жумбоқли саволларга жавоб топиш нуқтаи назаридан ғоят аҳамиятлидир.

ADABIYOTLAR

1. Solejon A. Toshev. Explore of the history of Uzbekistan Soviet colonial period in Turkey. Look to the past. 2020, Special issue 2. – P. 347-353.
2. Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари. Илмий тўплам / Масъул муҳаррир М.Исҳоқов. – Тошкент: ТошДШИ, 2020. № 12.
3. Efe Çaman. “Kafkasya ve Orta Asya’da Türkiye’nin Yeni Bölgesel Politikası: Dış Politika’nın Yönelim Sorunsalı”, Avrasya Dosyası 2006, Cilt 12. Sayı 1, Ankara, ASAM Yayınları. – S. 188.
4. Hasan Ali Karasar. Türkiye-Türk Cumhuriyetleri İlişkilerine Bir Bakış, Bağımsızlıklarının 15.Yılında Türk Cumhuriyetleri. – Ankara: TOBB Yayınları, 2008. – S. 104.
5. Aynur Yerbolayeva. Türkiye’de Orta Asya ile İlgili Araştırma Yapan Kurumlar. Yüksek Lisans Tezi. İstanbul Sosyal Bilimler Enstitüsü, Sosyoloji Anabilim Dalı. 2009. – S. 190.
6. Fırat Purtaş, Orta Asya’nın Bütünlüğü Sorunsalı ve Orta Asya’da Bölgesel Entegrasyon Girişimleri, Orta Asya ve Kafkasya’da Güç Politikası. – Ankara. USAK, 2008. – S. 35.
7. Fahri Solak. Türkistan ve Kafkasya Bibliyografyası. – İstanbul: Türk Dünyası Belediyeler Birliği Yayınları, 2007. – S. 755.